



Тошкент Жақиқати

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 88 (10.084). 1991 йил 9 май • пайшанба • Баҳоси 8 тийин.

ҒАЛАБА БАЙРАМИ БИЛАН, АЗИЗЛАР!

ҒАЛАБА байрами арафасида анъанага айланиб қолган вилоятимиздаги Улуғ Ватан уруши фахрийлари билан учрашув бу йил ўзгачароқ ўтди. У вилоят партия қўмитасида эмас, балки Оржоникидзе районида янги очилган «Нуроний» чойхонасида ташкил этилди. Сиз кўриб турган бу фахрийлар ана шу кеча иштирокчиларидир.

(Учрашув ҳақидаги ҳисобот билан рўзноманинг иккинчи саҳифасида танишасиз)



БУЮК ҒАЛАБА АЙЁМИ ШАРАФИГА

7 май куни Тошкентда шаҳар меҳнатқашлари ва пойтахт горнизои жангчилари вакилларининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи ва унинг Қўролли Кучлари ғалабасининг 46 йиллигини бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий Округи штаби бошлиғи генерал лейтенант Ю. Д. Букреев йиғилишда маъруза қилди.

Йиғилишда Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси гоёт қонуний эканлиги таъкидланди. У социализмнинг улкан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий имкониятларини, ишчилар синфи билан қолхоччи деҳқонлар, мамлакатимиздаги барча халқлар иттифоқининг мустақамлигини тўла-тўқис намоён қилди.

Халқимиз Буюк Ғалаба кунини мураккаб вазиятда кутиб олмақда. Мамлакатдаги воқеаларнинг ривожини хавфли, барча совет кишилари учун, бутун Иттифоқимиз учун хатарли тус олмақда.

Мамлакат тақдирини, одамларнинг шаъни ва қадриятини, ҳар бир хонадонда фаровонликни эъзозлайдиган барча кишилар биргаликда зўр ғайрат билан ҳаракат қилдиган пайт келди. Ижтимоий тотувлик, фуқаролар тинчлиги, барча сиёсий кучлар муҳофизатидан ҳамда ўз иззат-нафсини кўзлашдан воз кечиши зарур.

Ўзбекистон меҳнатқашлари, Туркистончи жангчилари каби мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тинчликни барқарор этишининг СССР Президенти билан тўқиз жумҳурият раҳбарларининг қўшма Баёғотида таърифлаб берилган чоратadbirlar жадаллик билан амалга оширилишига умид боғламоқдалар, деб таъкидланди йиғилишда.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Тантанали йиғилишда Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко, халқ депутатлари Тошкент вилоят советининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар советининг раиси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎЗАТАГ)



СССР МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

1991 йил 9 май 210-сон Москва шаҳри

Совет Қўролли Кучларининг жангчилари, Улуғ Ватан уруши фахрийлари, Совет Иттифоқи меҳнатқашлари!

9 майда совет халқи ва унинг Қўролли Кучларининг Улуғ Ватан урушида қозongan Ғалабаси кунига 46 йил тўлади. Шафқатсиз жанг давомидан кўп миллатли Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги ҳимоя қилиб қолди, қадрлон еримиз босқинчилардан озодланди, фашистлар Германияси ва унинг ғумашталарига қаҳшатли зарба берилди, Европа халқларини фашизм зулмидан озод қилди.

Умумхалқ кураши тусини олган Улуғ Ватан уруши СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, улар иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий иттифоқининг енгилмас ҳаётини кучини ишончини тарада тасдиқлади. Қўролли Кучларимиз жанг майдонларида ўз жанговар байроқлари шухратга шухрат қўшдилар. Совет жангчиларининг милсий оммавий қаҳрамонлик, юксак жанговар маҳорат кўрсатиб, ҳарбий қасамга, ҳарбий бурчга, ўз халқига содиқликларини намоён этидилар. Халқ лашкарлари, ишчилар иш олиб борувчилар ва партизанлар жангчилар билан Ёшлар-Ға Ватан дўшманга зарба бердилар. СССР фашизмни тор-мор келтиришга халқ қўлуви ҳисса қўшганини билан совет кишилари ҳақли равишда фахрланидилар, улар умумий дўшманга қарши курашда иккинчи жаҳон уруши барча қатнашчиларининг хизматларини унутмайдилар ва ҳурмат қилдилар.

Бизнинг ғалабамиз инсоният олдига ер юзиде мустақам тинчлик ўрнатиш истиқболини оғиб берди. Сўнгги йилларда бу истиқболлар халқларо сиёсий илқимнинг соғломлашувида, қўрбонларининг доир музокара жараёналаридеги амалий ютуқларда муважасамлашиб моддий тус олди. Шу билан бир пайтда ҳозирги давримиздаги воқелик шундайки, ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар муҳаррир тус олган йўқ, ҳарбий халф сақланб турибди. Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги хотира совет киши-

ридан юксак даражада хушёр бўлишни, мамлакатнинг мудофаа вободлигини тўғрисида ҳармай-тодмай ғамхўрлик қилишни тақозо этмоқда.

Замонавий техника билан жиқозланган ва юксак касб тадраринингдан ўтган, халқ мададига таянаётган Қўролли Кучлар урушининг олдинини олдининг чинакам омилли, Ватанимиз — СССР Иттифоқидеги барча халқлар хавфсизлиги ва суверенитетининг таъинига айланди. Совет жангчиларини конституциявий бурчларига, кекса авлодининг қаҳрамонона анъаналарига содиқдилар. Улар совет жамиятини янгилашда фаол қатнашмоқдалар, ҳарбий илохотининг мураккаб вазифаларини қатъият билан ҳал қилмоқдалар, Армия ва Флотнинг жанговар тайёрларининг етарли ва ишончли даражада сақлаб турибдилар.

Армия ва Флот шахсий составини, уруш, меҳнат ва Қўролли Кучлар фахрийларини, барча совет кишиларини буюк Ғалаба байрами билан таъриклимаман ва кутлайман!

Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозongan Ғалабасининг 46 йиллигини нишонлаш учун БУЙРУАМАН: 1991 йил 9 май кунини маҳаллий вақт билан соат 22 да Ватанимиз лойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск ва Мурманскда, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Самара, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморскда тўп-лардан 30 марта ўқ узилб артиллерия байрам салюти берилсин.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қўролли Кучлари!

СССР Мудофаа вазири Совет Иттифоқи Маршали Д. ЯЗОВ.

Жигаристон: ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, Жигаристондаги фожия тўғрисидаги хабар Туркистонда жуда ачинаб ва алам билан кутиб олди. Жумҳурият раҳбарияти, Туркистон Компартияси Марказий Комитети, барча меҳнатқашлари номидан ва шахсан ўз номидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндошларига, бутун ўзбек халқига шу қайғули кунда чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Туркистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти, Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. НИЕЗОВ.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, Ангрэн шаҳрининг Жигаристон қўрғонидеги табиий офатни, натижада одамлар аянгли равишда қўрбон бўлганини ва иморатлар бузилиганини шунинг қаттиқ қайғурдим. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндош-уруғларига, офатдан жабр кўрган аҳолига чин кўнглидан ҳамдардлик изҳор қиламан.

Тожикистон ССР Президенти Қ. МАҲКАМОВ.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Мухтарам Президент жаноблари, республикада содир бўлган табиий офат ва оғир фожия — одамлар қўрбон бўлганини, жуда катта зиён қўрилганлиги муносабати билан молдова халқи номидан ва шахсан ўз номидан сиздиқилдан таъзия изҳор этишга ижозат бергайсиз. Шу қайғули кунларда дилимиз ва руҳимиз сиз билан ҳамдам эканига ўзбек халқини ишонтираман. Шу ҳурматли ва қадимий халққа хос бўлган ақл-заковат, сабр-матонат ва мардлик туйғули бу кўлфатни бартараф этишга муваффақ бўлинад, деб ишонаман. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндош-уруғларига ва ёр-биродарларига, чуқур ҳамдардлигимизни топиришингизни сўрайман.

Ҳурмат ила Молдова ССР Олий Кенгашининг раиси Александр МОШАНУ.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Жигаристон қўрғонидеги фожияли воқеалар муносабати билан сизга ва Ўзбекистон халқларига астойдил ҳамдардлик ҳамда қариндошлари ва ёр-биродарларидан жудо бўлган оилаларга таъзия билдираман.

СССР Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазири Н. Н. ВОРОНЦОВ.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» шiori остида ўтаётган ва ҳозир Ўзбекистон ҳудудида турган халқаро экспедицияси Ангрэндаги фожияли воқеаларни эшитиб жуда афсусланди. Бу хабар экспедициянинг барча аъзоларини бениҳоя ачинтирди, биз Ўзбекистоннинг барча халқлари билан биргаликда чуқур мотам тутамиз ва қариндошларидан, ёр-биродарларидан жудо бўлган барча оилаларга самимий ҳамдардлигимизни изҳор этишингизни сўрайман.

Лойханинг мувофиқлаштирувчиси

Ден ДУДУ.

Экспедициянинг илмий раҳбарлари — Ўзбекистон ССР

Фанлар академиясининг академиги

А. АСКАРОВ ва

профессор А. Х. ДАНИ.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, республикангиз бошига тушган ва оғир оқибатларга сабаб бўлган табиий офат муносабати билан бутун Ўзбекистон халқи билан бирга чуқур мотам тутамиз. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри яқинидаги жойда юз берган кўчи натижасида жабрланганларга астойдил ҳамдардлигимизни топиригайсиз.

СССР Олий Кенгашининг Ўзбекистон ССРдан сайланган аъзолари М. З. ЗОКИРОВ, Т. ОМОНОВ, И. М. САГДАХМЕДОВ, А. А. КОРШУНОВ, М. И. УМАР-ХУҲАЕВ, А. ШЕРАЛИЕВ, В. Т. ОДИЛОВ, О. И. КРИКУНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Тошкент вилоятининг Жигаристон қўрғонидеги ер кўчи, натижада одамлар ҳалок бўлганлиги, жароҳатланганлиги ва моддий зиён қўрилганлиги тўғрисидаги хабарни алам билан ачиниб ўқидим.

ВСР ҳукумати, Вьетнам халқи номидан ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон халқига ҳамда жабрдийдаларининг оилаларига чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

До МИОН

Вьетнам Социалистик Республикаси

Вазирлар Кенгашининг раиси.

ЁРДАМ УЗЛУКСИЗ КЕЛИБ ТУРИБДИ

Жигаристон қўрғонидеги табиий офат юз берган жойда ишлар кечяо-кундуз давом этмоқда. Бу ерга етиб келган қуриш бўлиналари хавфли минтақада қолган 40 га яқин уйни бузиб ташлаб, жойларни тегишлай бошладилар. Бу қўрғонда яшовчи барча кишилар Ангрэндаги қудай квартираларга ётоқхоналарга жойлаштирилди. Табиий офат оқибатларини тугатиш ҳукумат комиссиясида хабар қилишларига жабрланганлар озиқ-овқат, зарур моллар билан таъминланмоқда.

Ингирқўрғон барпо этиладиган 15 гектарли участкада лойиха қидирув ишлари бошлаб юборилди. Бу участка фожия юз берган жойдан уч-тўрт километр масофада бўлиб, шаҳар доирасидадир. Шинастланган қўрғон аҳолиси яна бир жойда яшаш истарини билдирди, бунинг учун ер участкалари ажратиб беришни сўрадилар. Ҳукумат комиссияси аъзолари тақлиф этилган вазирларнинг тезда кўриб чиқиш, иш бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу ишларни «Агрострой» бирлашмаси, жумҳурият қуриш вазирлиги, давлат сув хўжалиги қуриш комитети, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узкохозстрой» бирлашмаси бўлиналари бажарди. Республика давлат қуриш комитети лойхачиларининг махсус ишчи гуруҳига дастлабки лойхачиларни 15 майга тайёрлаш топириди. Бу ерда ишчи гишдан тўрт ва беш хонали уйлар қурилади. Ҳар бир оилага саккиз сотих ер участкаси ажратилди.

Жумҳурият ҳукумати қурувчиларни зарур ресурслар ва материаллар билан таъминлайди. Иттифоқ ҳукумати ҳам техника ва бинокорлик материаллари ажратаяётгани ҳақида Москвадан хабар келди. Табиий офатдан зарар кўрган районга цемент, металл, ёғоч-тахта жўнатилмоқда. Сентябрь ойидеги 50 ила янги жойда яшай бошлайди. Унгача қўрғонга водопровод, электр, газ ва исиклик келтирилади. Уй-жойлар билан бир вақтда мактаб, болалар богчаси, бошқа ижтимоий

маданий-маиший иншоотлар қурилади.

Келгусида қўрғон кенгайди ва 60 гектар майдонни эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, жигаристонликларнинг яна 100 га яқин уйлари хавфли зонада қолмоқда. Яқин орада бошқа қўрғон ҳам бор, уни ҳам тез орада кўчириш мўлжалланган.

Юз берган фожия табиат билан ҳазиллашиб бўлмастлигини, ҳис-туйғулар ақл-идроқдан устун бўлмастлигини қаралганини тасдиқлади. Чунки жигаристонликлар хавфли зонада яшайётганликларни ҳақида бир неча бор огоҳлантирилган эдилар. Ҳатто фожия арафасида — Биринчи Май куни юз берган ер силқинишдан сўнг хавфсиз жойга жўнаб кетиш яна тақлиф қилинган эди. Афсуски, бу тақлифлар эътиборга олинмади.

Мутахассисларнинг тахмин тасдиқланди. Ҳозир улар чор атрофини тўла текшириб, бундай хулоса чиқаришди: ёнгангичлик натижасида маом бўлиб қолган тўртроқ 4—5 балли элизила таъсирида сурилб кетди.

Афсуски, бундай жойлар жумҳуриятда ва айниқса Тошкент вилоятида жуда кўп. Бундай хавфли жойлар қуриш кўлида уй-жойлар, ишлаб чиқариш иншоотлари бор. Энди узи-нисил қарор қабул қилинди. Хавфли зоналардан ҳамма одамлар кўчирилиши керак, улар учун қадрдон қишлоқларига яқин жойда яшаш ва меҳнат қилиш учун метъерий шароитлар яратилди.

БЕЗВЕРХОВ, ЎЗАТАГ муҳбири.

МАНГУ ЯШАЙВЕРАДИ

ДАРДКАШ ДИЛЛАРНИ МАЛҲАМИ

Бедаво муҳораба жуда кўпларнинг эстигини қуритди. Жуда кўплар ногирон бўлиб юришга мажбур этилди...

хайрли ишга бел боғланди. Урушда бедарак кетганларнинг изларини излай бошлад...



Мен Акром аканинг хонадониде кейинги сафар бўлганда қардош Тожикистонда келган хатни ўқидим...

ГРОМКИ ХУТОРИДАГИ ҚАБРЛАР



Журналистларнинг Москвадаги Марказий уйда ўтказилган семинар кунлари Улуғ Ватан уруши қатъий...

У ДАМЛАРНИ ЭСЛАШ ОҒИР



Бундай кишилар ҳеч қачон бекор ўтиришолмайди. Уларни учун дорини бирор нарса йўлбўйида...

ДИЙДОРЛАШУВ

Тошкентлик Меҳри опа Қодирова қирқ олти йилдан сўнг «Прометей» иттифоқлари клуби кўмағида Украинанинг Чернигов вилояти...

ҲАМ ЖАНГЧИ, ҲАМ НОШИР

Ғани ака Алиевнинг айни ўсирилик даври таҳлилки йилларга тўри келди. Энди-гина урта таълим шаҳодот-масини олган йигитча 1942 йилнинг январьда ўз тенкурклар қатори кўнгили бўлиб Ватан муҳофазасига отланди...

ТАРИХИЙ ПАРАД КАТНАШЧИСИ

Осмон тинич, бегубор. Тўпаларнинг гўмбурлашуви, самолётларнинг гувилашуви тинганига бир ойдан ошган пайт...

ТАРИХИЙ ПАРАД КАТНАШЧИСИ

Биринчи зарбадаёқ немисларга қарши қуролининг биттасини овози ўчди, сўнгра шох-шабарлар орасидаги иккинчи ҳам мажалланди...



Қурилот атрофида душман снарядлари портлар, тупроқ уюмлари осмонга кўқирлариди. Душманга қўқирдан зарба бериш жангчиларнинг аниқ фикри ва қаққонли билан ҳаракат қилишига боғлиқ эди...



АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ АМЕРИКАДА

ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИ ИЛИ БИРГИНА ИТТИФО ҚИМЗИДАГИНА ЭМАС, БАЛКИ КЎПГИНА ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА, ЖУМЛАДАН АМЕРИКАДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

алоҳида боғладилар. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон маданият ҳаётида юз берган катта воқеалар, жумладан, бу йил Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига қўрилатган таъйирилик Америка Қўшма Штатларидаги ўзбек адабиёти муҳлисарига ҳам маълумдир.

Вашингтон университетидан ТошДУ профессори Невмат Акмалова юборилган хабарномалардан маълум бўлишича, шу йилнинг апрель ойида Вашингтон университетининг Шарқ тиллари ва маданияти факультетида Алишер Навоий ижоди ўрганиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бу тадбирларни амал-

га оширишда ўзбек тилини ўрганган мутахассислар бош бўлишган. Ўзбек тилини эндигина ўрганаётган студентлар учун улар инглиз тилига таржима қилиб берилган. Мазкур тадбирнинг бир қисми апрель ойида бўлиб ўтган, иккинчи қисми эса май ойининг охиригача ўтказиш мўлжалланмоқда. 5 апрель кuni «Алишер Навоий юбилейининг Тошкентда нишонланиши» деб номланган видеофильм намойиш этилди. Шунингдек, 12 апрель кuni Шарқ тиллари ва маданияти факультети декани, профессор Илзе Сиртаутас «Алишер Навоий ва унинг даври, Навоийни ўрганишга қириниш» мавзусида

26 апрелда Оснй тиллари ва адабиёти факультети аспиранти — Урумчидан АҚШга борган Аблахат Иброҳим, хитойлик Н. Акмаллар «Алишер Навоий ва уйғур адабиёти ҳамда ҳаёти» мавзусида сўхбат ўтказишди. 3 май кuni эса «Алишер Навоийнинг ёшликдаги сабоқлари» хусусида Яқин Шарқ тиллари ва маданияти факультети аспиранти Шоун Лёнинг сўхбати тинланди.

10 май кuni Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драматига оид видеофильмдан лавҳалар намойиш этилди. Видеофильмда Ўзбекистон ССР халқ артисти Ойдин Норбоева қатнашган.

Яқин Шарқ тиллари ва

ПАРКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЮТУҚЛАР МУБОРАК

Яқинда Паркент районига пул-бюм лотереяси ютуқлар тиражи ўтказилди. Унда қатнашган кўпгина паркентликларнинг омадлари қўлиб ёқди.

Жумладан, Қумушқон қишлоғида яшовчи муаллим Эраббой Ражаббеовнинг лотереясига «Москва-412» маркали энгил автомашина ютуғи чиқди. Чанги қишлоғида истиқомат қилувчи Асқар Нияталиев, «Чотқол» давлат йўналиши директори Эрон Холмоновлар эса «Запорож 968-М» энгил автомашинаси эгаси бўлишди. Яна қўлиб паркентликлар «Урал» мотоцикли ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ютиб олишди.

СУРНАЙЧИЛАР КЎРИГИ

Паркент маданият уйи муҳташам эли санъат илосмандлари билан гавму бўлди. Бу ерда район сурнайчиларининг кўрик-тайлови уюштирилди. Шарта кўра классик, лирик ва эркин икром бўйича куй навиш бораида мусобақалашган сурнайчилар орасида Қўлмат Нордиров, Даврон Хусанов, Тўкин Бозоровлар гольбикни кўлга киритдилар.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ОДАМЛАРУ ОДАМЛАР, ТОҒДА ВИТАН БОДОМЛАР, ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

Ўзбекистон комсомол марказий қўмитасининг «ЕШЛАР УЙИ»

Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ

Ўзбекистон маданият жағфармаси

ҲАМКОРЛИҚДА

Ажойиб сўз устаси ҲАСАН ИҶУЛДОШЕВ хотирасига бағишлаб

РЕСПУБЛИКА ЕШ ҚИЗИҚЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ «ҚИЗИҚЧИ-91» КЎРИГИНИ ШУ ЙИЛ МАЙ ОЙИДА УТКАЗАДИЛАР

Кўриқда 35 ёшгача бўлган ўзи қўлган, тили бурро, таъвилдан ва таъвилмаган сўз усталари қатнашишлари мумкин.

АРИЗАЛАР 15 МАЙГАЧА Тошкент, Пахтакор кўчаси, 5-уй, 205-хонада қабул қилинмоқда, телефон: 41-45-20.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

САҲНАДА — МОСКВАЛИКЛАР

КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАЛАР:

9, 10 майда — соат 11, 14, 17.00 да
11 майда — соат 17.00 да

БОШЛАНАДИ

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса соат 9 дан 19.00 гача ишлайдди. Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган. ЧИПАЛАР НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ УТКАЗИШ ИЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ. Цирк фойсесида шопингч сураткашлик салони ишлайдди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-01, 44-29-04, 44-35-84.

«ИЛДАМ» ЕШЛАР МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24—25 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

ХУШОВОЗ ХОНАНДА

КОМИЛЖОН БАРАТОВ

иштирокида

БАҲОР ЯНА ҚАЙТАДИ

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг гольби, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг совриндори.

Обиджон ҳамда Собилжон АСОМОВЛАР шунингдек, Шоҳмурод ПАРМОНОВ бошчилигидаги «НАВРУЗ» дастаси ҳамда «КАМОЛ-89» кўригининг совриндори Илҳомжон ПАРМОНОВ

Концерт дастурини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ олиб боради.

Режиссёр — Фарҳод АҲМЕДОВ.

Чипталар Тошкент давлат циркининг кассаларида соат 9.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

«Юбилей» Марказий спорт саройида

5—9 июнь кунлари

«САВОБ» хайрия фирмасининг «ХИСЛАТ» соғломлаштириш маркази Ўзбекистон етакчи руҳий муолажакори, экстрасенс АБДУРАФИҚ ҒОФУРОВНИНГ

ЭРОН ва ТУРКИЯ мамлакатлари бўйлаб сафари олдидан

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ УТКАЗАДИ

Биринчи сеанслардан сўнг (март ойида бўлиб ўтган), марказга йўланган кўп сонли мактуб ва қўнғироқларда кишилар ўзларининг барча хасталикларидан фориғ бўлишларини баён этиб, муолажа сеансларини яна такрорлангани сўраганлар.

Эслатиб ўтамиз, А. Ғофуров барча касалликларни: муттасил бош оғриқлари, уйқусизлиги, ҳафтон, бронхит, астма, қандли диабет, остеохондроз, полларит, артрит, ирради хасталиклар, ўпка, бўйрак, жигар, ўт пуфғи, ошқозон-ичак, тери касалликларини даволайди. Умуртча поғонаси, кўз ва оёқ суяклари жароҳатлангандаги оғриқларини йўқотди. Семизлик ва ориқлик, жинсий заифлик ва бешушлик каби дардлардан халос бўлишга ердан беради.

А. Ғофуров сеансларда қатнашиш имкониятига эга бўлмаган беморларнинг фотосуратлари орқали ҳам ўз тасвирини ўтказишдек ноб қўбилишга эга.

Соғломлашиш жараёнида муолажакор истовчиларни руҳан ўзга сайёраларга юбаради.

СЕАНСЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 12, 15 ВА 17.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Чипталар спорт саройи кассаларида ва ваколатли тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53, 77-56-10.

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ УҚИТИЛМОҚДА

АЖДОДЛАРДАН қолган ноҳия қўлэмаларни шу асар билан имлода ўқиш, эски ўзбек (араб) алифбосини ўрта таълим мактабларига киритишни 3—4 йил аввал қатто оруз қилишнинг ўзи муволаға эди. Бироқ ўтмиш ва бугун ўртасида ришта ҳисобланган имлонинг чекланиши, қадимий урф-одатларни қатагон қилиш арзимаган вақт ичида катта маънавий инқирозга сабаб бўлганлиги сир эмас. Яқин ўтмишдаги йўл қўйилган ҳалолар бугунги кунда баралла айтилмоқда айримлари тузатишмоқда. Шу тузатишлардан бири — эски ўзбек (араб) ёзувининг ўрта таълимгоҳларга фан сифатида киритилиши бўлди.

Пойтахтдаги 138-мактаб жамоаси бу ибратли ишга билимчилардан хайрихоҳлик билдиришди. Шу йилдан бошлаб эски ёзувимиз фан сифатида дарслар рўйхатидан ўрин олиб, 2-синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилди. Бу хайри тадбир яқин йилларда ўз самарасини бериши аниқ.

Н. ҚУШОҚБОВА, 138-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

ОТАЛИҚ ҲИММАТИ

«Узворнермет» ишлаб чиқариш биришмасининг жойларда бир неча цехлари мавжуд. Биришманнинг Тошкент шаҳридаги цехлари болалар муассасаларини оталиққа олган.

Пойтахтнинг 22-болалар боғчасининг жамоаси оталиқ ташкилотининг кўрсатилган ердан берадидан беҳад мамнун. Биришма яқинда бу тарбия масанининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун ўз ҳисобидан маблағ ажратди.

Бундан ташқари Сергели районидан болалар касалхонасига ҳам ҳиммат кўрсатилди. Хайрия йўли билан армудон қилинган ердан пулларига касалхона дори-дармонлар сотиб олди.

С. ОДИЛОВА.



Оилавий анъаналар

СУМАЛАК БАҲОНА, ОНА ҒАНИМАТ

Бу она билан бир марта танишган одам унга қадрдон бўлиб қолиши, хонадонга алоҳида ҳурмат билан қараши табиий. Одий пир-бадавлат, серфарзанд ўзбек хонадон. Лекин унинг ўзига хос ажойиб хислатлари борки, ҳавас қилса, нобрат олса арзийди.

Қўш уясида кўрганни қилади, дейдилар. Ота-она берган тўғри тарбия, имонли-эътиқодли бўлиш бу онанинг томир-томирига сингир кетган. Хонадон соҳиби — раҳматлик Мирсоат ана Насиба хола билан узок йил осуда ва бахтиёр ҳаёт кечирди. Икки ўғил ва тўрт қизни воёта қилишди, ўқитишди, уйи-жойли қилишди, қизларни турмушга уза-тиб, ўғилларни уйлантиришди. Йиллар ўтган сайн она кенгай бошлади, янги фарзандлар дунёга келди, невалар, чеҳаралар туғилди. Узастиган қизлар ота-онага монанд гоёта аҳил ва тотув она қилишди, эрга нисбатан иззат-иркомини ўрнига қўйишни урф-одат қилишди. Ўз бахтларини ўзлари яратишди, ота-она уйда бошланган яхши анъаналарни давом эттиришди, ижтимоий меҳнат билан рўзгор юмушларини уйғунлаштириб юборишди. Умр — оқар дарё. Ма-на, тўртала қизнинг оиласи ҳам ажиб бир серфайз ва аҳил хонадонга айланган. Икки ўғил ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Каттаси қиз чиқарди. Ўғил уялиди, невалари. Ҳозир 4 қизнинг уч нафари

қайнона бўлишган, қиз уза-тиб келин олишди, невага кўришди. Хуллас Насиба хола бошлиқ бу оилада 45 нева-чеҳара бор, невага келинча-лар соин олтигача етди.

Биз юқорида онанинг ўзига хос анъанаси бор дегандик. Яна шу гапга қайтамиз. Тўғри, ҳар бир оилада ҳам турли йил байрамлар, туғилган кунлар нишонланади, келин-кетди бўлади. Лекин Насиба хола хонадонда байрам айёмлари, хотира оналари, туғилган кунларини нишонлаш бутунлай бошқача, серфайроқ ўтади. Ана шундай кезларда бу хонадонга барча ўғил-қизлар, кўв-келивлар, нева-чеҳаралар, қариндош-уруғлар ҳамда маҳалла-қўйғайлар йиғилишади. Бундай йиғинларнинг бири ҳар йили раҳматлик падарларининг хотира кунини сифатида ўтказилади, бутун оила шу кунни ота руҳини шод этди.

Кечагина, Май айёми кунинда ана шундай гурунларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Катта ҳовлига дош қозон осилиб маҳаллага сумалак пишириш хабар қилинди, онанинг катта-ю кичик барча аъзолари туғилган яна, кўни-қўшнлар тақлиф қилиндилар. Фарзандлар волидаларининг туғилган кунларини бу сафар сумалак баъзи билан нишонлашга аҳд қилгандилар. Катта қозон атрофида ҳазил-мутойиба, қизгин сўхбат ва куй-қўшиқ, қадимий айтишувлар тонг-



гача давом этди: Давра қатнашчилари Насиба хола тававалдининг ички кам саксонич баҳорин билан қўлади-лар, туғилар тақдир этиб му-боракбод айтдилар, онахонга узок умр тилаб, онага энг эзгу ниятларни издор этдилар.

Дарвоқе биз Насиба хо-ланинг ўғил-қизлари, кўв-келивларининг исми-шариф-лари, ким эканликлари, касб-корларини-ю, ишлаш жойлари ҳақида маълумотлар баён этиб ўтирмадик. Бир сўз билан ифода этганда улар-нинг барчаси ҳаётда ўз ўр-нини топган, ота-она дусои туғайли жамиятимизга му-носиб бўлиб етишган. Бу бахтли хонадоннинг манзүл-тоҳи эса қўйидагича: Киров районидан Бодомзор кўча-си, 55-уй.

Бугунги йиғиннинг бош қаҳрамони — Насиба хола Маҳаммадалиева. Зеро кичик бу лавахмиз ҳам онахонга аталган. Сумалак баҳона, она дийдори ғанимат. Яхши ниятлар, истаклар кўн бўлди шу кунини. Шулардан бири: «Юзга қиринг, онажон, ўшанда ҳам ҳозиргидек ҳамжи-ҳат йиғилайди» дея ният қилишди, фарзандлар.

Биз ҳам ана шу эзгу ния-тларга тилақдоримиз. Она-ларимиз ғанимат, уларни ҳаминша улуғлайлик азизлар!

Даврон АҲМАД.

Суратларда: Насиба хола Маҳаммадалиева, онахоннинг ўғил-қизлари, нева-чеҳаралари сумалак атрофида.

Суратлар муаллифиники.



БАЙРАМ ҲИЛЛАРИ

БУ МУҚАДДАС КУНДИР

гоҳлар олдидан жилишмади. Ҳолдан тойиб йиқилганларига дам олишга ҳақли ҳисоб-ланди. Шунда ҳам ўрни бўш қолмаслигини билса, ўғлимиз қизимиз, суяги қотмаган ўспирини унинг жойини эгалла-ганини кўрса... Ҳамма мақсад, орзу, интилиш битта нарсага бўйсиндирилиди — ГАЛАБАГА...

Бироқ улуғ галабада улуғ қурбонлар бўлишни қоний-лаштиришга уринган ва бунинг зарурини билан ниқобламоқчи бўлган «аршобларнинг» айби туғайли, фарзандлари жан-гоҳларда жон олиб-жон бера-ётган бутун-бутун халқлар сур-тур қилинган. Аюл каби вагон-ларга тикчиб, жаннатмаксон жойларидан Сибирга ёки сув-си қараб ётган қўлларга ҳайдаганларнинг кўпчилиги, бир нарсани билмайдиган армон билан ҳаётдан кўз юмиди. Уларнинг душманлари ким эди? Тиш-тиронгича қурол-ланган фашистларни ёки... Улар сўнгги нафасига «халқ»лар отасининг муруватпе-шавлигига умид қилишди, аф-

суски, «соткин» деган тамғани бутун бошли халқ пешонасига аништирган унинг ўзи эканли-гини ўша пайт кўпчилик англаб етмаган эди.

«Олий ирк» назариячиларига қарши нафрат билан кураша-ётганлар, ўзлари хоҳламаган ҳолда, «буоқ дохий» «сиёсий найрағининг» қурбони бўлиш-ди.

«Олий ирк» тўғрисидаги на-зария нима-ю, «ишончли ёки ишонсиз халқлар» тўғрисида-ги таълимот нима? Уларнинг ўртасидаги фарқ Алл хўжа билан хўжа Алл ўртасидаги фарқдан каттами? Бу ҳақда ўша пайт ҳеч ким уйлаб кўр-маган эди, албатта. Чунки ҳамма интилиш битта нарсага қаратилган эди — ГАЛАБА-ГА...

Оний онкиликдан эсанкираб қолганлар ҳам аяб ўтирилма-ди. Шафқатсиз зарурият ни-қоби остида чиқарилган гай-ринисоний бўйрқ туғайли минглаб кишилар «жазо» от-рақларида бекордан-бакор қурбон бўлиб кетишди. Улар

ҳам Галаба учун жанг қилган-ларидан ризо бўлиб ҳаётдан кўз юмган бўлсалар ажаб эмас...

Булар барчаси бугунги кун нуқтаи назари...

Ўша пайтда эса, фақат бир кун илинжида яшашарди, ўша кунни интиқиб-интиқиб кути-шарди. Ниҳоят миллионлаб қурбонлар талаб қилган ўша онлар етиб келди. Дунёдаги юзлаб тилларда жўр бўлиб битта сўз тақрорланди:

— Галаба... Галаба... Га-ла-ба...

Инсон доим ёрқин хотира-лар билан яшасан дейди. Не-гадир ўтган кунларини, бошдан кечирган воқеаларни эсла-ганда ширин бир оранкидан энтикиб қўяди. Назаринда ўтмишда ҳамма нарсанинг ўз-гача бир таровоти бўлгандай... Ешлигини эслаганда дили ўр-нардонган, хотиранинг аччиқ заҳобларидан азабланиб, тонггача тўлғаниб чиқадиган кишилар ҳам, бу ҳисси бир марта бўлса-да туюшармикин!

Кўчаларда фахрийлик нишо-нини тақдан, кўраги орден-медалларга тўла кишиларни кўрсам беихтиёр уш ҳақда уйлайман, Ахир, ГАЛАБА учун уларнинг ёшликлари ҳам қур-бон бўлди-да...

Борган сари орамизда кам қолаётган бундай кишилар-нинг қаҳақли маҳли тез... Улар олдидан энгилор уруш даврида қўрсатилган жасоратларга тил текнза кўрманг, чунки улар учун битта муқаддас тушунча бор — ГАЛАБА...

Бошқа пайтлар улар беозор. Ҳар сўхбатнинг охирида бир гални албатта қайд қилиб қў-йишарди:

— У кунларни биз кўрдик, болам, илоб сизлар кўрман-лар...

Ҳар сафар бу сўзларни эшитганча, туманимиз титрайди. Галаба — том маънос билан шулар галабеси эканига имон келтирмаган. Уларнинг жасора-ти ушбу остига олганими уйлаб ўқиниб кетаман.

— Илоб, айтганингиз кел-сим, Бахтиямизга омон бўлинг-лар. Галабанигиз билан, — дей-миш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини англаб қоламан.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Мухаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, 6 бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; сановат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325558; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; халқлар ва омла-вий ишлар — 334048, 325354, жамоватчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими — 325727.